Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 88 (3589)
18 СЕШАНБА
АПРЕЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22 апрель — коммунистик шанбалик куни

Ветеранлар дастғоҳларни бошқаришади

Бу кишиларнинг кўплари революцион воқеаларнинг, граждан ва Улуғ Ватан урушларининг гувоҳлари, дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамонларидир. Улар ҳозир дам олишяпти. Бу кишилар коммунистик шанбалик куни ўзларининг завод ва фабрика, қурилиш ва муассасаларига келиб станокларни бошқаришади. Улар бу ишни қалб амри билан амалга оширишади. Бой тажрибаларини ёшларга ўргатишади.

Мусак Ниёзович Мусаков қоғоз фабрикасида 40 йилдан зиёд меҳнат қилган. Шу ерда ишлаб чиқариш илғори бўлиб, ҳурмат топган. Ҳозир пенсияда. У 22 апрель куни ўз корхонасига келиб, коммунистик шанбаликда актив қатнашади. Шу куни корхона меҳнат ветеранларидан К. Конкова. У. Громова ва бошқалар ҳам ўз коллективларига келиб, меҳнат қилишади. Шу куни корхонанинг 40 дан зиёд ветерани шанбаликда иштирок этади.

* * *

Шофёрлар аҳди

«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 4-автобус парки коллективи ҳам москвaликлар ташаббусига қўшилиб, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликда фаол иштирок этишга аҳд қилдилар. Шу куни корхонадаги барча ремонт участкаларида қилинадиган ишлар ҳозирдан белгилаб қўйилди. Бешта машина двигатели тўла ремонтдан чиқарилиб, ўнта машина ремонт қилинади. Бешта гидро-механик коробка тузатилади ва шунча автобус бўялади.

«Қизил шанбалик»да 152 киши иштирок этиб, йўловчилар хизматига пландан ташқари 10 та автобус чиқарилади ва қўшимча 10000 йўловчи манзилига элтилади. Бундан ташқари охирги бекатлардаги тўртта диспетчерлик хоналари ремонт қилинади.

Ҳозир парк коллективи шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида актив иштирок этиб, шу кунгача тўрт маротаба умумхалқ ҳашарларига чиқди. Унда 600 ишчи, хизматчи иштирок этиб автобус парки территорияси ва Чоштепа кўчасини чиқиндилардан тозалашди. Жун канали атрофига 800 кубометр тупроқ ётқизилиб, 782 дона кўчат, 993 туп ранг-баранг гуллар ўтқазилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

17 апрель куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IX пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) лойиҳаси ҳамда унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

ҚПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Конституция комиссиясининг Раиси **Ш. Р. Рашидов** доклад қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов**, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **В. А. Хайдуров**, Хўжайли район партия комитетининг биринчи секретари **П. Холмуродов**, Тошкент областидаги «Политотдел» колхозининг раиси **М. Г. Хван**, Ўзбекистон халқ шоири **У. Отақўзиев** қатнашдилар.

Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум Ўзбекистон ССР Конституциясининг Конституция комиссияси тақдим этган лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси давомида киритилган қўшимчалар, аниқликлар ва тузатишлар билан бирга асосан маъқуллади ва уни Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига ҳавола этди.

Пленум Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Давлат Гимнининг тексти ва музикавий таҳририни маъқуллади.

Пленумда республика партия ташкилотларининг капитал қурилишдаги план ва социалистик мажбуриятларни бажариш ҳамда 1978 йилда ишга туширилади объектларнинг қуриб битказилишини таъминлаш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Шу масала юзасидан бўлган музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. А. Хўжаев**, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Камолов**, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Ғ. Ғойибов**, «Андижангидрострой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи **В. Д. Медведев**, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари **Т. Б. Боймиров**, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри **И. Х. Жўрабеков**, Ўзбекистон ССР қурилиш министри **С. А. Омеров**, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи **Н. Р. Ҳамроев**, «Ўзбекшахтострой» тресги комплекс бригадасининг бошлиғи **Д. А. Зазулин**, «Ўзколхозстрой» бирлашмасининг раиси **И. Ашуров**, Ўзбекистон ССР Госстройи раиси **В. С. Скребнев**, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри **И. К. Бородавко** сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири **И. Н. Дмитриев** нутқ сўзлади.

Ш. Р. Рашидов пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Пленум **М. С. Саидов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлим мудири лавозимидан озод қилди. **Н. Р. Ражабов** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлим мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, область партия комитетларининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, қурилиш трестларининг бошқарувчилари иштирок этдилар.

ШИОРИМИЗ: ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК

ЁНИЛҒИ ВА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАБ САРФЛАЙЛИК

Яқинда К П С С Марказий Комитети Кемерово область партия комитетининг область корхоналарида ва қурилиш объектларида ёнилғи ва энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилотчилик ва сиёсий ишлари масаласини кўриб чиқди.

Тежамкорлик бўйича ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш ҳамда уларнинг форма ва усулларини такомиллаштириш бўйича тадбирлар, ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида ёнилғидан омилкорлик билан, тежаб-тергаб фойдаланиш халқ хўжалигининг муҳим вазифаси бўлиб қоляпти.

Тошкент шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорига амалий иш билан жавоб бериб, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Давлат таъминоти томонидан эълон қилинган 1978— 1980 йилларда хом ашё, материал ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Бутуниттифоқ жамоат кўригида актив иштирок этмоқдалар.

Электр қувватини, иссиқлик энергиясини, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш резервлари ҳамма жойда мавжуд. Буни ёнилғи, электр қувватини тежаш бўйича топшириқларини доимо бажариб келаётган энг яхши корхоналар ва ташкилотларнинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати. «Средазкабель» бирлашмаси, «Таштекстильмаш» заводи, 1-уйсозлик комбинати ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Бироқ, барча корхоналарда ва ташкилотларда бу муҳим масалага эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Қурилиш саноати материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасида, резина-техника буюмлари, трактор, дурадгорлик буюмлари заводларида, «Фан» босмахонасида ва бошқа корхоналарда ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш ишлари суст олиб бориляпти.

Эндиликда исрофгарчиликка қатъий чек қўймоқ зарур. Ҳар бир меҳнатчи, меҳнат коллективи Бутуниттифоқ умумий кўригининг актив қатнашчиси бўлиши шарт. Бу эса беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, халқ фаровонлигини янада оширишга ёрдам беради.

ИСРОФ БЎЛМАСИН

Учинчи беш йилликда олдинга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириб бориш, моддий ресурслар, ёнилғи, энергия, фан-техника ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланишни тақазо этади. Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси бу соҳада маълум ишларни амалга оширяпти. Корхонамизда ишлаб чиқаришга электр қувватини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларда, энергия блоклари машинистлари, смена, бригада, цехлар коллективларининг социалистик мажбуриятларида ёнилғини сарфлаш салмоғини пасайтириш, ўз эҳтиёжи учун сарфланадиган электр қувватини тежаш белгиланган.

Ҳозир корхонада ҳар бир иш жойида тежамкорликнинг шахсий ҳисоб-китоби, автоматлашган бошқарув системасининг биринчи навбати жорий этиляпти.

Ускуналарнинг реконструкция қилинаётганлиги талайгина ёнилғини тежаш имконини беради. Қозонлар, трубоагрегатлар, электротехника ускуналари ва бошқа узеллар реконструкция қилиняпти. Бу йилга минглаб тонна ёнилғини тежаш имконини беради. Реконструкциялаш натижасида энергоблокларнинг қуввати 160 дан 165 — 170 мегаваттга етказилишидан биз кўп нарса кутяпмиз. Бу йилга 12 агрегатнинг ҳар биридан 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача тежаб қолиш имконини беради. Бугунги кунда бу ишлар еттита энергоблокда тамомланди.

Тошкент ГРЭСини Тошкентнинг шимолий қисмидаги массивларини ва корхоналарни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида иссиқлик режимида ишлашга ўтказилиши ҳам анчагина иқтисодий самара беради. «Теплоэлектропроект» институти ўрта Осиё бўлимининг ҳисобига қараганда, бунда ҳар йили юз минг тонна шартли ёнилғини тежаш имконияти туғилади.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС Кемерово обкомининг область корхоналари ва қурилишларида ёнилғи ва энергетика ресурсларини тежаш бўйича иши тўғрисида»ги қарори ГРЭС коллективи томонидан атрофлича ўрганиляпти. Бу ҳужжатлар цех коллективларида, шунингдек ГРЭС очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди.

Энергетиклар имкониятларини яна бир марта чамалаб кўриб, ёнилғини ва шахсий эҳтиёж учун ишлатиладиган электр энергиясини тежаш бўйича қўшимча мажбуриятлар олишди. 4 минг тонна шартли ёнилғи, 3,5 минг киловатт-соат корхонанинг ўз эҳтиёжига ишлатиладиган электр қувватини ишлаб чиқаришга қўшимча резервларни қидириб топиш эвазига тежашга қарор қилинди.

Н. АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент ГРЭСи директори.



1-пойафзал фабрикасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақа тобора авж олиб бормоқда. Ой сайин корхонада шахсий беш йиллик топшириғини бажарган илғорлар сафи кенгайиб боряпти. Ана шундай пешқадамлардан бири— В. Юнусова (суратда) ҳозир келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида», «Ўзбекистон ССРнинг Давлат гимни тўғрисида» шунингдек «Республика партия ташкилотининг капитал қурилишдаги план ва социалистик мажбуриятларни бажариш ҳамда 1978 йилда ишга туширилади объектларнинг қуриб битказилишини таъминлаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинган.

★ Гайана Кооператив Республикасининг Бош министри Линден Форбс С. Эмпсон Бернхэм 17 апрель куни Ленинграддан Москвага келди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан ҳукумат делегациясига бош бўлиб расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турибди. Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ВЛКСМ XVIII съездига— 18 зарбдор ҳафта

ВЛКСМ XVIII съездига бағишланган пойтахт ёшлари зарбдор вахтасининг 18-ҳафтаси ниҳоясига етди. Йигит-қизларнинг бутун фикри-зикри Ленин комсомолининг Бутуниттифоқ анжуманини муносиб кутиб олишга қаратилган. Бу эса мусобақани тобора авж олдиришга ҳар бир комсомол аъзосининг вахта ғолиби бўлиш истагини кучайтиришга сабаб бўлди.

Бугун **ВЛКСМ XVIII** съезди ишида қатнашиш учун Москвага Тошкент комсомол ташкилотининг 32 вакили жўнаб кетди. Делегатлар орасида саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларининг ёш ишчилари, олимлар, комсомол ходимлари бор. Съезд ишида тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Дилбар Қулматова, трактор заводининг слесарь-йиғувчиси Владимир Зайцев, «Ташсельмаш» заводининг токари Ҳусан Ҳошимов, Тошкент тепловоз депоси машинисти Дмитрий Данилов ва ишлаб чиқаришнинг бошқа таниқли илғорлари бор. Тошкентлик делегатлар группасига шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Т. Нусратов бошчилик қилади.

ЁШЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИ

УЧИНЧИ МАРОТАБА

Сўнгги зарбдор ҳафтанинг ғолиби бўлган Александр Субботин ишлаб чиқариш бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг аъзоларини уларнинг ҳамкасблари, дўстлари қизғин табриклашди. Бу 18 зарбдор ҳафта мобайнидаги учинчи ғалабадир. Бундай муваффақиятга тўқимачилик комбинати комсомол-ёшлар коллективлари ўртасида ҳали ҳеч ким Александр Субботин эриша олган эмас. Субботин бригадаси ёш коллектив. У ўтган йилнинг ноябрь ойида тузилган эди, лекин қисқа муддат ичида илғорлар сафига ўтиб олди. Бригада ҳафталик топшириқни 130 процент бажариб, барча маҳсулотни аъло сифатга топширди.

СЪЕЗДГА МУНОСИБ ТУҲФА

Тошкент депосининг комсомол-ёшлар колоннаси бригадири Дмитрий Данилов нопомини коллектив ҳурмат билан тилга олади. Мана, тўртинчи йилдирки, у тепловоз машинисти бўлиб ишлаяпти. У ижодий изланиши, юксак малакаси, ҳар бир дақиқадан оқилона фойдаланиш билан ажралиб туради. Дмитрий ўз тажрибасини колоннадаги ҳамкасбларига сидқидилдан ўргатади. Д. Даниловнинг ВЛКСМ XVIII съездига делегат қилиб сайланишини Тошкент депоси коллективи катта қувонч билан кутиб олди. Дмитрийнинг ўзи эса тиғиз социалистик мажбурият қабул қилиб, съезд очилиш кунигача ярим йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган эди. Дмитрий белгиланган муддатга эришиб, зарбдор меҳнат билан аҳдга вафо қилди.

ЭНЕРГЕТИКЛАР УЛУШИ

Тошкент ГРЭСи коллективи ўтган беш йилликдаёқ ёнилғи, энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ўзбек энергосистемасида сарфлаш салмоғи бўйича белгиланган кўрсаткичга биринчи бўлиб эришди. Ўтган беш йилликнинг дастлабки икки йилида норма ва план топшириқларига қўшимча 6.250 тонна шартли ёнилғи ва ўз эҳтиёжига кетадиган 5.3 миллион киловатт-соат электр қувватини тежади. Бунга технологик ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш, ишлаб чиқаришга илғор техникани жорий этиш, ускуналарни реконструкциялаш ва модернизациялаш эвазига эришилди.

Ишлаб чиқилган ташкилий-техник тадбирларда, энергия блоклари машинистлари, смена, бригада, цехлар коллективларининг социалистик мажбуриятларида ёнилғини сарфлаш салмоғини пасайтириш, ўз эҳтиёжи учун сарфланадиган электр қувватини тежаш белгиланган.

Ҳозир корхонада ҳар бир иш жойида тежамкорликнинг шахсий ҳисоб-китоби, автоматлашган бошқарув системасининг биринчи навбати жорий этиляпти.

Ускуналарнинг реконструкция қилинаётганлиги талайгина ёнилғини тежаш имконини беради. Қозонлар, трубоагрегатлар, электротехника ускуналари ва бошқа узеллар реконструкция қилиняпти. Бу йилга минглаб тонна ёнилғини тежаш имконини беради. Реконструкциялаш натижасида энергоблокларнинг қуввати 160 дан 165 — 170 мегаваттга етказилишидан биз кўп нарса кутяпмиз. Бу йилга 12 агрегатнинг ҳар биридан 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача тежаб қолиш имконини беради. Бугунги кунда бу ишлар еттита энергоблокда тамомланди.

Тошкент ГРЭСини Тошкентнинг шимолий қисмидаги массивларини ва корхоналарни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида иссиқлик режимида ишлашга ўтказилиши ҳам анчагина иқтисодий самара беради. «Теплоэлектропроект» институти ўрта Осиё бўлимининг ҳисобига қараганда, бунда ҳар йили юз минг тонна шартли ёнилғини тежаш имконияти туғилади.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС Кемерово обкомининг область корхоналари ва қурилишларида ёнилғи ва энергетика ресурсларини тежаш бўйича иши тўғрисида»ги қарори ГРЭС коллективи томонидан атрофлича ўрганиляпти. Бу ҳужжатлар цех коллективларида, шунингдек ГРЭС очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди.

Энергетиклар имкониятларини яна бир марта чамалаб кўриб, ёнилғини ва шахсий эҳтиёж учун ишлатиладиган электр энергиясини тежаш бўйича қўшимча мажбуриятлар олишди. 4 минг тонна шартли ёнилғи, 3,5 минг киловатт-соат корхонанинг ўз эҳтиёжига ишлатиладиган электр қувватини ишлаб чиқаришга қўшимча резервларни қидириб топиш эвазига тежашга қарор қилинди.

Н. АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент ГРЭСи директори.

РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

5-таксомотор парки ҳайдовчилари ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш учун курашга фаол қўшилдилар. Резервлардан бўлиб фойдаланиш туфайли шу йилнинг биринчи кварталининг ўзида 43.6 минг литр бензин тежалди.

Айниқса М. Шангареев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи намуна кўрсатди. Бу илғор коллектив шу йилнинг биринчи ярим йилида 2 кун тежалган ёнилғи ҳисобига ишлаш мажбуриятини олди. Бригаднинг ўзи 160 литр ёнилғини тежади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Таниқли композитор ва олим В. А. Успенский туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1979 йил сентябрда шу санага бағишланган юбилей кечаси ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

В. А. Успенскийнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида: Тошкент шаҳар ижроия комитетига В. А. Успенский номидаги республика мактаб-интернатида ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига 1979 йилда юбиляр таниланган асарларининг бир томлигини чиқариш; Ўзбекистон Театр жамиятига Тошкент Давлат консерваторияси студентлари учун В. А. Успенский номидаги битта стипендия таъсис этиш топширилди.

Меъёрида бўлсин

Тошкент шаҳар меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубини зўр маънуният билан кутиб олдилар.

1978 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларда 48 миллион киловатт-соат электр қувватидан оқилона фойдаланишнидир. Афсуски, бунга кўпинча амал қилинмаяпти. Кўпгина квартираларга юз бирн шаҳар аҳолисининг уй-жойларда электр қувватидан оқилона фойдаланишнидир. Афсуски, бунга кўпинча амал қилинмаяпти. Кўпгина **квартираларга юз хилма хил** лампочкаваттли ёруғ лампочка керак. Хожатхона ва ваннахоналарга кучли ёруғликнинг зарурати йўқ. Подъездларда ҳам шундай. Бундай жойларга фақат 25 ваттли лампочкаларнинг ёруғлиги кифоя.

Аммо гапнинг бошқа томони бор: сотувда ларни топиш қийин. Савдо ташкилотлари аҳолини хилма хил электр лампочкалар билан таъминлаш ҳақида ўйлашлари керак. Бу эса электр қувватини тежаш омилларидан биридир.

В. ЕФИМОВ,
пенсионер.

ЎЗБЕКИСТОН ФРАНЦИЯЛИК ДЎСТЛАРНИ ТАБРИКЛАЁТИР

Тошкент кўчалари: «СССРда Франция кунлари иштирокчиларига салом» деган сўзлар ёзилган транспарантлар билан безатилди. Мамлакатимизда Франция кунларини ўтказиш анъана бўлиб қолди. Шу ўзига хос дўстлик байрами ўтказиладиган жой қилиб бу йил Ўзбекистон танлаб олинди. Унинг программасида кўргазмалар, концертлар, француз фильмларининг фестивали, республика меҳнаткашлари билан Франциядан келган меҳмонларнинг учрашувлари кўзда тутилган.

Дўстлик кунларида иштирок этиш учун «Франция—СССР» ташкилотининг активлари Тошкентга келишди.

(ЎзТАГ).

СИЁСИЙ МАОРИФ ШОХОБЧАЛАРИДА

ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Бу корхонадаги партия маорифи шохобчаларида юзлаб ишчилар сиёсий билим асосларини эгалламоқдалар, ғоявий-тарбиявий ишнинг ҳақиқий мактаби бўлиб қолди. Тошкент трактор заводида самарали меҳнат қилаётган кўплаб ишчилар ҳамда инженер-техник хизматчилар ана шундай мактабларда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, марксизм-ленинизм асосларини, КПСС сиёсатининг актуал масалаларини ўрганиш учун ҳафтада бир марта йиғиладилар.

Ҳозирги кунда бу корхонанинг цех ва бўлимларида партия ўқувининг 43 группаси, 39 комсомол ўқуви группаси ҳамда 32 иқтисодий таълим группаларида 5 мингдан ортиқ тингловчи ўзларининг ғоявий савияларини оширмоқдалар. Тингловчилар билан машғулотларга олиб бораётган пропагандистларнинг катта отрядига корхона қошидаги сиёсий маориф кабинети ҳар тарафлама ёрдам кўрсатмоқда.

Михаил Александрович Соловьев мудирлик қилаётган кабинет ўзининг кўп қирарали фаолиятида пропагандист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муҳим ўрин тутяпти. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг ва зифалари тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бораётган сиёсий маориф кабинети пропагандист кадрларнинг ташкилотчиси ҳамда тарбиячиси сифатидаги ролини, методик маҳоратларини оширишда бошланғич партия ташкилотларига катта ёрдам бермоқда.

Бу кабинет етук пропагандистлар тайёрлашдаги фаолияти, пропагандистларга зарур бўлган методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан намунали жиҳозланганлиги учун яқинда бўлиб ўтган 2-республика ва область сиёсий маориф кабинетлари кўригида голиб чиқди ва диплом ҳамда область партия комитети, касаба союзлари область советининг ёрлиги билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, тракторсозларнинг ғоявий чиниқиш мактаби маҳоратларини оширишда бошланғич партия ташкилотларига катта ёрдам бермоқда.

Бу корхоналарнинг кўпчилиги квартал планни муддатидан 3—6 кун илгари бажариб, апрель ойида муваффақиятли ишлаш учун яхши замин ҳозирладилар.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар план топшириқларини бажарган бўлсалар ҳам, 1978 йилнинг биринчи квартали учун қабул қилинган мажбуриятларнинг асосий бандларини уддалашаолмади. Жумладан, «Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг тажриба заводи. 6-, 8-темир-бетон буюмлари заводлари, «Промсвязь» заводи, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш бўйича тажриба заводи ва бошқалар белгиланган жамиятининг иккинчи, кўрлар жамиятининг биринчи комбинатлари, «Средазавтоматика» заводи ва бошқалар планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш бўйича ўз мажбуриятларини анча ортиғи билан адо этдилар.

Бу корхоналарнинг кўпчилиги квартал планни муддатидан 3—6 кун илгари бажариб, апрель ойида муваффақиятли ишлаш учун яхши замин ҳозирладилар.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар план топшириқларини бажарган бўлсалар ҳам, 1978 йилнинг биринчи квартали учун қабул қилинган мажбуриятларнинг асосий бандларини уддалашаолмади. Жумладан, «Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг тажриба заводи. 6-, 8-темир-бетон буюмлари заводлари, «Промсвязь» заводи, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш бўйича тажриба заводи ва бошқалар белгиланганидан анча кам планга қўшимча маҳсулотлар бердилар. Бир қатор корхоналарда сифат кўрсаткичлари ҳам талаблар даражасида эмас. Тикувчилик бирлашмаси дастлабки уч ойда савдо тармоқларига 9.177 минг сўмлик маҳсулот жўнатди. Бу пландагидан 375 сўмлик кўпдир. Агар тайёрланган буюмлар харидор дидига мос бўлса маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бундай суръатни табриклаш керак. Лекин бошқа масала ташвишлантиряпти: бирлашманинг 582 шойи кўйлагининг сорти пасайтирилди, 195 та кўйлаги эса техник талабларга жавоб бермаганлиги учун корхонага қайтарилди. 200 та жун газламадан тикилган кўйлакни ҳам савдо тармоқлари сифатсизлиги учун қайтариб юборди.

2-пойафзал фабрикасида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу ерда фақат йилнинг дастлабки икки ойида бир неча минг жуфт пойафзал корхонага қайтарилди. 4,6 мингта буюмнинг сорти пасайтирилди.

Шундай савол туғилади? Мазкур корхоналарда маҳсулот техник ва ишчи назоратидан ўтаётган, маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилаётган бир пайтда, қандай қилиб нуқсонли буюмлар савдо тармоқларига чиқариляпти. Афтидан, бу ерда бракни олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар у қадар самара бермаяпти, стандарт талабларига жавоб берадиган буюмлар тайёрлашни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳали ҳал этилмаган.

Бадиий буюмлар фабрикасида, 3-йирик панелли уйсозлик, «Промсвязь» заводларида битта буюмни ишлаб чиқариш учун нормативда белгиланганидан кўп ҳаражат қилинган. Бу маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига сабаб бўляпти.

Меҳнат коллективларининг вазифаси белгиланган ассортиментда пландаги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан, уларнинг чидамлилигини ва кўримини яхшилашдан, оз маблағ сарфлаб, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлашдан иборатдир.

Корхонадаги 43 пропагандистдан 37 киши олий сиёсий маълумотга эгадир. Улар завод қошида ташкил этилган марксизм-ленинизм университети филиалида ўз сиёсий билимларини бойитиб боришяпти.

Умуман, марксизм-ленинизм университети филиалининг ўз фаолиятини бошлаб, корхонага етук идеология ходимлари етказиб бера бошлаганига 5 йилдан ошди. Шу давр ичида заводнинг 250 дан ортиқ инженер-техник ходимлари ва ишчилари марксизм-ленинизм университетини муваффақиятли битириб чиқдилар.

Завод партия комитети ҳар бир пропагандист, агитатор ва сиёсий ахборотчининг олий сиёсий маълумотга эга бўлишлари ҳамда уларнинг ўз назарий билимларини оширишлари тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

Пропагандистлар КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини чуқур ўрганиб, марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш, партия ички ва ташқи сиёсатини, КПСС XXV съездининг ҳужжатларини, СССР янги Конституциясини, илмий коммунизмнинг актуал масалаларини пропаганда қилишни ўзларининг асосий бурчлари деб билмоқдалар.

И. ҚУЗИЕВ.

«Тракторостроитель» кўп нусхали газетасининг ходими.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Байрам шарафига

Тошкент тажовиз пиллакашлик фабрикасининг аҳил коллективи ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йили план-топшириқларини муддатидан илгари шараф билан адо этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Корхонанинг кўпгина илғор ишчилари смена ва ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этишяпти, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.



Чапдаги суратда сиз ана шу корхонанинг пилла чиқиндиларини қайта ишлаш цехида меҳнат қиладиган бир группа ишлаб чиқариш илғорларини кўриб турибсиз. Чапдан-ўнгга: Ёқутхон Турсунова, Умри Зокирова, Рихси Маҳамадалиева ва Уфор Сотимовалар кунлик нормаларини мунтазам 115 процентга етказиб ва ундан ҳам ошириб бажаришади. Улар 1 Май байрамини муносиб кутиб олишга аҳд қилишган.

И. Шонноғомов фотоси.

«ЗАНГОРИ КЕМА» КАПИТАНЛАРИ ЎҚИШМОҚДА

«Ташсельмаш» заводида очилган механик ҳайдовчилар мактабининг программасида янги бўлим пайдо бўлди. Мамлакатдаги пахтакор республикалардан келган колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари-курсантлар ингичка толали пахта териш машиналарини ўрганишга киришдилар. Бу йил колхоз ва совхозларга ана шундай машина етказиб бериладн.

«Занғори кема» капитанларининг Тошкентдаги машғулотлари программасига пахта териш техникаси тарихи ва уни ривожлантириш истиқболлари, замонавий комбайнларнинг конструкцияси, инструментал ва йиғув цехларининг ишлари ҳам киритилган.

Узбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистоннинг минглаб пахтакорлари завод ҳузурида курс ташкил этилган вақтдан буён «Ташсельмаш» заводи мактабида сабоқ олдилар. Бир қанча социалистик мамлакатларнинг механизаторлари ҳам шу ерда маҳоратни эгалладилар. «Ташсельмаш» заводида беш йилликнинг учинчи йилида пахта терадиган машиналарнинг қарийб 500 механик-ҳайдовчиси таълим олади.

Қувур тозалагич

Тошкентдаги ирригация ишлари билан шуғулланувчи Давлат махсус конструкторлик бюросининг мутахассислари мамлакатда биринчи бор катта диаметрли ёпиқ коллекторларни тозалайдиган механизм яратдилар. Улар бу ерда ясалган зовур қувурларини ювиш принципидан фойдаланиб, шу қувурлар учун янги иш органи— икки босқичли реактив-сув каллагини ишлаб чиқдилар.

Янги қувур тозаловчи насос станцияси, икки цистерна ва трактордан иборат. Шлангга бириктирилган реактив калланка босим остида цистернадан сув берилади. Сув лойни ювади ва айни маҳалда ўз кучи билан калланки нарига суриб боради. Олинган лой бошқа цистернага ўтказилади, бу ерда сув тозаланиб яна насос воситасида ишга солинади. Сувдан кўп марта фойдаланишнинг аҳамияти муҳим: республиканинг қуруқ зоналарида ҳам комплексдан фойдаланишга имкон беради.

Янги механизм зовур қувурини ювадиган эски воситадан 1,5 баравар серунум. У ҳар қандай коллекторларни ҳам тозалаб чиқара олади. Шу йил Узбекистон ва Урта Осиёдаги бошқа республикаларнинг мелиораторлари 40 та шундай агрегат оладилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Ёшлар ҳиссаси

Фрунзе район студент ва ўқувчилари шаҳримизда ўтказилаётган икки ойликда фаол иштирок этмоқдалар. Улар янги хиёбонлар очиш билан бирга ўз оталиқларидаги кўчаларнинг обод бўлишига ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Тошкент юридик техникуми студентлари кўча ва хиёбонларни, ирригация шохобчаларини чиқиндилардан тозалашда намуна кўрсатмоқдалар. Айниқса В. И. Ленин номли болалар истироҳат боғида қилинаётган ишлар мақтовга сазовордир.

143-ҳунар-техник билим юрти студентлари «Бўрижар» ён бағрида жуда кўп ишлар қилишмоқда. 5-техника билим юрти студентлари эса тўқимачилик саройи атрофидаги дарахтлар тагини чопиб, уларни оқлаб, район ободонлаштириш ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. 87-техника билим юрти студентлари эса Фарҳод ва Муқимий кўчаларини супуриб, тозалаб, ерларни чопиш, оқлаш каби ишларни бажармоқдалар.

Ҳозир ҳар бир экилган қўчатни парваришлаб унинг қуриб қолмаслиги учун катта аҳамият берилмоқда. Райондаги барча ирригация шохобчаларини тозалаш билан бирга кўчатларни сув билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Шу кунларда Стародубцов, Новопольтарский кўчаларига янги сув пуркагич фонтанчалари ўрнатилмоқда ва эскиларини ремонтдан чиқарилмоқда.

Шаҳримиздаги барча олий ўқув юртлари сингари райондаги Тошкент театр рассомчилик институти, Тошкент Давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртлари ҳам ҳашарда актив иштирок этмоқдалар. Ўзларининг намунали ишлари билан аъло даражада иш кўрсатаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика ва психология факультети студентлари районни ободонлаштиришда ҳар йили катта ҳисса қўшиб келадилар. Факультет комсомол комитетининг секретари Умида Алиева билан бўлган суҳбатда шу нарса аниқландики, факультет студентлари 1 мартдан бошлаб, факультетда тузилган график асосида ҳар кун дарсдан сўнг В. И. Ленин номидаги болалар истироҳат боғида. Фрунзе микроскверида ва Киров боғида шанбаликлар уюштираётирлар. Комсомол комитети ҳар ҳафта шанбалик якуни бўйича голиб группаларни аниқлайди. Шанбалик самарадорлигини ошириш мақсадида группалараро мусобақалар уюштирилган. Бу студентлар активлигини оширмоқда.

Р. НУРМУҲАМЕДОВ,
Фрунзе район комсомол комитетининг инструктори.

Жар ёқалаб хиёбонлар



Баҳор қўёши тафтидан ҳаммаёқ чароғон. Кишилар енгил кийинишган, ҳаммаларнинг қайфи чоғ. Алексей Сумкин ўз экскаватори билан 4—5 метр оралиққа квадрат шаклида чоҳ қазиб боряпти. Агроном Мавжуда Жўраева ўнўн беш чоҳни кўздан кечирди. Экскаваторчи ишидан кўнгли таскин топгандай бўлди.

— Опа, кўчат келтиришди!

Қорамағиздан келган, ўрта бўйли аёл дуррасидан чиқиб тўзиган сочларини тескилаб, катта кўча томон шаҳдам юриб кетди. Қамарнисо кўчасининг четига шатакли трактор келиб тўхтади.

— Қани йигитлар, туширинглар!

Бир зумда йигит ва қизлар кўчатларни ҳандақлар ёнига тарқатишди.

— Бу уч юзта. Кейинги рейсда икки прицепда олиб келамиз,— деди тракторчи ва орқага — Иккинчи Чимбой кўчасидаги гулхона томон трактор ҳайдаб кетди...

Ободонлаштириш ишлари ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги бошланибдики, Собир Раҳимов районининг «Студентлар», «Медиклар», «Чимбой», «Олимпия» деб номланган шаҳарчаларида, аҳоли истиқомат жойлари, ўнлаб кўча ва майдонларда ишлар шундай қизғин боряпти.

II Чимбой кўчасидан чап томон тармоқ отган ва Тошкент ҳалқа йўлига олиб чиқувчи Қамарнисо кўчаси ҳар шанба-якшанба кунлари кишилар билан гавжум. Медиклар шаҳарчаси аҳолисини шаҳар билан боғловчи автобуслар турна қатор ўтиб турибди. Беш километрча келадиган кўчага бу баҳор ҳақиқатда зеб бериляпти. Кўчанинг иккинчи томонида чўзилиб кетган эгри-бугри жар ёқалари бўйлаб қисқа муддатда ўнлаб хиёбонлар барпо этилди.

Бугун ҳам ишлар авжида. Бульдозерлар тупроқ суриб, ер текисламоқда, экскаваторлар ҳандақ қазияпти, кўтарма кранлар бетон ариқ ётқизяпти. Катта кўча чети бўйлаб тротуар қуриляпти. Гулзорлар чеккасига бетон тўсиқ қопланяпти... Эрталаб янтоқлар қорайиб ётган ўнгир жойларда кечга яқин чинор, манзарали дарахт кўчатлари саф тортяпти. Улар томон суғориш тармоқлари очиляпти...

Собир Раҳимов район ижроия комитети биргина бу жойларнигина эмас, балки бутун район территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта куч ҳамда маблағ сарфлаяпти. Ободонлаштирувчиларга ҳар ҳафта ҳашарга чиқаётган маҳалла ва уй комитетларининг аҳолиси, студент ва ўқувчилар яқин кўмакдош бўляпти. Уларнинг куч-ғайратлари билан неча ўн минглаб дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Кўча ва тротуарлар асфальтланди, ариқлар қазилиб, хиёбонлар барпо этилмоқда.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов районидаги Қамарнисо кўчасида ободонлаштириш ишлари олиб бериляпти.



ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

КЎП, СИФАТЛИ, АРЗОН

«Самарадорлик учун фаол кураш олиб бориш бу — маҳсулот сифатини тинмай яхшилаб бериш, унинг техник даражасини, мустаҳкамлиги ва тежамлилигини ошириш демакдир», КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш тўғрисидаги Мактубидаги бу сўзлар ўзаро мусобақадош Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнаткашларининг жанговар ҳаракати программаси бўлиб қолди. Бундан йилнинг биринчи кварталидаги хўжалик-иқтисодий фаолият якунлари, мажбуриятларнинг коллективлар томонидан бажарилиши тўғрисида қуйида берилаётган маълумотлар гувоҳлик беради.

Барча корхоналарда «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Бу ерда бир қатор корхоналар — тажриба-техника мебель заводи, театр жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати, чўтка, картон-қоғоз буюмлар фабрикалари, 10-босмахона, сут ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар СССР янги Конституцияси кунигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш учун мажбуриятлар қабул қилиб, шу мақсад сари қатъият билан интилмоқдалар. Октябрь районидаги 50 нафар ишчи апрель —июнь ойларида шахсий ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш ҳақида рапорт беришга аҳд қилган. Уларнинг кўпчилиги ҳозир 1980 йилнинг иккинчи ярим йили ҳисобига маҳсулот тайёрлашяпти.

Меҳнат илғорлари попопчи Рашида Шарафитдинова, слесарь Николай Винников, тикувчи Нафиса Ортиқова, галантереячи Анна Кузанкова, бичувчи Валентина Ларионова ва бошқалар ҳар куни рекорд кўрсаткичга эришиб, юксак шахсий ижрочилик маҳоратини намойиш қилишмоқда.

Фақат Октябрь районининг ўзида биринчи кварталда Сифат белгиси билан 4 миллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланди. Бу ерда ҳозир 90 хилга яқин тикувчилик, кўнгалантерея, пополчилик, спорт буюмлари фахрли беш қиррали белги билан тайёрланмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича Чилонзор районида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Районларнинг саноати планга қўшимча буюмлар тайёрлаш бўйича ошириларган мажбуриятлар олишганига қарамай, маҳсулот ишлаб чиқариш юксалишининг анчагина қисмига меҳнат унумдорлигини ўстириш орқали эришилди. Бу коллективлар оз маблағ сарфлаб, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга ёрдам берди. Масалан, Ўзбекистон карлар жамиятининг комбинатлари, «Средазэнергоцветмет» корхонаси, тажриба-техника мебель заводи, 3-пойафзал фабрикаси, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати, 10-босмахона ва бошқа коллективлар сўнгги йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 8—27 процентга оширдилар. «Ташкентхлеб» бирлашмаси, театр жамиятининг комбинати, Ўзбекистон карлар жамиятининг иккинчи, кўрлар жамиятининг биринчи комбинатлари, «Средазавтоматика» заводи ва бошқалар планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш бўйича ўз мажбуриятларини анча ортиғи билан адо этдилар.

Бу корхоналарнинг кўпчилиги квартал планни муддатидан 3—6 кун илгари бажариб, апрель ойида муваффақиятли ишлаш учун яхши замин ҳозирладилар.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар план топшириқларини бажарган бўлсалар ҳам, 1978 йилнинг биринчи квартали учун қабул қилинган мажбуриятларнинг асосий бандларини уддалашаолмади. Жумладан, «Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг тажриба заводи. 6-, 8-темир-бетон буюмлари заводлари, «Промсвязь» заводи, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш бўйича тажриба заводи ва бошқалар белгиланганидан анча кам планга қўшимча маҳсулотлар бердилар. Бир қатор корхоналарда сифат кўрсаткичлари ҳам талаблар даражасида эмас. Тикувчилик бирлашмаси дастлабки уч ойда савдо тармоқларига 9.177 минг сўмлик маҳсулот жўнатди. Бу пландагидан 375 сўмлик кўпдир. Агар тайёрланган буюмлар харидор дидига мос бўлса маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бундай суръатни табриклаш керак. Лекин бошқа масала ташвишлантиряпти: бирлашманинг 582 шойи кўйлагининг сорти пасайтирилди, 195 та кўйлаги эса техник талабларга жавоб бермаганлиги учун корхонага қайтарилди. 200 та жун газламадан тикилган кўйлакни ҳам савдо тармоқлари сифатсизлиги учун қайтариб юборди.

2-пойафзал фабрикасида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу ерда фақат йилнинг дастлабки икки ойида бир неча минг жуфт пойафзал корхонага қайтарилди. 4,6 мингта буюмнинг сорти пасайтирилди.

Шундай савол туғилади? Мазкур корхоналарда маҳсулот техник ва ишчи назоратидан ўтаётган, маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилаётган бир пайтда, қандай қилиб нуқсонли буюмлар савдо тармоқларига чиқариляпти. Афтидан, бу ерда бракни олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар у қадар самара бермаяпти, стандарт талабларига жавоб берадиган буюмлар тайёрлашни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳали ҳал этилмаган.

Бадиий буюмлар фабрикасида, 3-йирик панелли уйсозлик, «Промсвязь» заводларида битта буюмни ишлаб чиқариш учун нормативда белгиланганидан кўп ҳаражат қилинган. Бу маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига сабаб бўляпти.

Меҳнат коллективларининг вазифаси белгиланган ассортиментда пландаги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан, уларнинг чидамлилигини ва кўримини яхшилашдан, оз маблағ сарфлаб, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлашдан иборатдир.

Корхонадаги 43 пропагандистдан 37 киши олий сиёсий маълумотга эгадир. Улар завод қошида ташкил этилган марксизм-ленинизм университети филиалида ўз сиёсий билимларини бойитиб боришяпти.

Умуман, марксизм-ленинизм университети филиалининг ўз фаолиятини бошлаб, корхонага етук идеология ходимлари етказиб бера бошлаганига 5 йилдан ошди. Шу давр ичида заводнинг 250 дан ортиқ инженер-техник ходимлари ва ишчилари марксизм-ленинизм университетини муваффақиятли битириб чиқдилар.

Завод партия комитети ҳар бир пропагандист, агитатор ва сиёсий ахборотчининг олий сиёсий маълумотга эга бўлишлари ҳамда уларнинг ўз назарий билимларини оширишлари тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

Пропагандистлар КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини чуқур ўрганиб, марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш, партия ички ва ташқи сиёсатини, КПСС XXV съездининг ҳужжатларини, СССР янги Конституциясини, илмий коммунизмнинг актуал масалаларини пропаганда қилишни ўзларининг асосий бурчлари деб билмоқдалар.

И. ҚУЗИЕВ.

«Тракторостроитель» кўп нусхали газетасининг ходими.

«Новгородводстрой» трести номига Узбекистондан ҳар куни юк ортилган темир йўл платформалари жўнатилади. Мамлакатнинг ноқоратупроқ зоналаридан бири бўлган Новгород областига йиғма темир-бетон буюмлар, металл конструкциялар, турли ускуналар, асбоблар жўнатиб турилади. Ботқоқ ерларнинг захини қочириш, янги уй-жойларни барпо этиш соҳасида қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми бу йил 1,5 баравар ортади.

Узбекистон мелиораторлари новгородликларга ёрдамни кучайтиришмоқдалар. «Андижанирстрой» трести коллективи ўз оталиғига олган Новгород районида андижонликлардан 145 киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда тузилган механизациялаштирилган кўчма колонна насос станциясини барпо этишга, дренаж шохобчаларини ўтказишга, турар жой ва ишлаб чиқариш биноларини қуришга киришди.

«Хорезэмводстрой», «Наманганирстрой» ва «Сурхангидрострой» трестлари Шимск ва Солецк районларида хўжалик ҳисобида ишлайдиган участкалар — гидро қурувчиларнинг таянч пунктларини очдилар. Мелиораторлар янги «Ташкентский» ва «Дружба» совхозлари учун электр сув кўтаргич, тозалаш иншоти, ишлаб чиқариш бинолари, 16 квартирали уйжой қуриб берадилар. Усти ёпиқ дренаж шохобчалари ўтказиш учун бу ерга темир-бетонлар келтирилди.

Новгород областида бу йил Узбекистон мелиораторларидан комплектлаштирилган 14 та механизациялаштирилган колонна ишлайди. Улар ботқоқ ерларни куритиб, ўн минглаб гектар майдонларни серҳосил далаларга айлантирадилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон мелиораторлари—новгородликларга

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

18 АПРЕЛЬ, 1978 й.

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

Корхоналар ва ташкилотларнинг 1978 йилнинг биринчи кварталидаги хўжалик-иқтисодий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, мусобақа якунлари

	Октябрь	района:	Чилонзор	района:
	Мажбурият-да кўзда тутилгани	АСЛИДА	Мажбурият-да кўзда тутилгани	АСЛИДА
Маҳсулот реализацияси бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,7	104,2	103,5	104,1
Планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот (минг сўм ҳисобида)	1425	1614	1251	1460
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)		106,6		108,5
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (процентларда)		104,8		105,9
Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	90,0	74,2	85,0	70,6
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарилди (процентларда)		137,4		101,9
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (процентларда)		112,6		120,0
Янги ишланган ва ўзлаштирилган буюмлар, моделлар, фасонлар (миқдори)	50	52	55	61
Сифат белгисига аттестациядан ўтказишга тақдим этилди.	15	16	10	11
Реализация қилинган маҳсулотнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган буюмлар (процентларда)	15,0	10,0	1,5	3,0
Тежаб қолинди:				
қора ва рангли металлар (тонна)	175	180	315	335
ёнилғи (тонна)	25	26	500	545
Электр қуввати (минг киловатт-соат)	620	640	650	785
Янги ўрнатилган ускуналар (миқдори)	37	41	60	74
Шу йилнинг январь-февраль ойларида фойдаланишга топширилган турар жой майдони (минг кв. метр)	—	13,7	9,8	12,6
Н. Злобининнинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар (миқдори)	95	105	40	73
Қишлоққа оталиқ ёрдами (минг сўм ҳисобида)	100	100	60	86
«Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остида мусобақалашаётган корхоналар (миқдори).	18	18	21	22
— цехлар	105	105	61	63
— участкалар	265	265	70	71
— бригадалар	423	423	524	535
— меҳнат илғорлари	14.700	14.700	15.400	15.700
«Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз» шиори остида мусобақалашаётганлар (одам миқдори)	50	50	113	116
Беш йилликнинг уч йили топшириғи — СССР Конституцияси кунигача:				
— корхоналар (миқдори)	5	5	5	7
— цехлар	10	13	11	12
— участкалар	265	106	17	19
— бригадалар	423	123	110	117
— ишлаб чиқариш илғорлари	6.000	6.000	6.000	7.500

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. МИРРАҲИМОВА: Шаҳримизда гиламларни бўяб берадиган корхоналар борми? Агарда бор бўлса қаерга жойлашган?

Жавоб: «Химчистка» фабрикасида шу ойнинг охирларида кенг размердаги гиламларни тозалаб ва бўяб берадиган янги цех фойдаланишга топширилади. Сиз гулли, тақир гиламингизни ана шу ерга топширишингиз мумкин. Бунинг учун Западний кўчаси 1-уйга жойлашган пунктга мурожаат қилинг. Бу ерга 18-автобус, 7, 14, 24-трамвайларда борилади.

* * *

М. АЛИАСҚАРОВ: Агарда мумкин бўлса, қаерда қўл протези ясалиши ҳақида маълумот берсангиз?

Жавоб: Новомосковская кўчасидаги Куйбишев майдони ёнида ана шундай протезлари ясайдиган корхона ишлаб турибди. Бу ерга 4 ва 5-троллейбусларда борилади ва Куйбишев майдонида тушилади.

* * *

М. МЎМИНОВ: Яқинда ўғлимизни уйлантирмоқчи эдик. Мен газеталарда тўй маросимларини ўтказиб берадиган санъаткорлар ҳақида ўқиган эдим. Шу санъаткорларни тўйга таклиф қилиш учун қаерга мурожаат қилишим керак.

Жавоб: Муҳитдин Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси қошида тўй ва оилавий маросимларда маданий хизмат қилиш учун «Тўй бюроси» ташкил этилган. Ариза ва заявкалар 20 кун олдин қабул қилинади. Бунинг учун «Правда Востока» кўчаси 10-уйга мурожаат қилишингиз керак.

* * *

Ш. АҲМЕДОВ: Менда мотоциклни бошқариш учун гувоҳнома бор. Энди шахсий машинага эга бўлдим. Автомобиль бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани олиш учун тўғридан-тўғри имтиҳон топширсам бўлаверадими?

Жавоб: Албатта ўқиш керак. Шоферлик курсига ҳужжатларни топширишдан олдин медицина кўригидан ўтасиз. Ўқишни тугатгач, автомобилни бошқариш учун берилади ган гувоҳномани олишга имтиҳон топширасиз.

* * *

Р. СОЛИЖОНОВ: Мен кўнгилли халқ дружинасига аъзо бўлишни жуда хоҳлайман. Менинг ёшим ўн еттидан ошган, заводда ишлайман. Шундай бўлса ҳам кўнгилли халқ дружинасига қабул қилишмаяпти.

Жавоб: Дружиначи бўлиб, кишиларимизнинг тинчлигини сақлаш, тартиббузарларга қарши курашишдай хайрли ишга улуғ қўшишга иштиёқмандлигингиз жуда қувончлидир. Бироқ, кўнгилли халқ дружиначиларининг фаолияти тўғрисидаги Низомга кўра, дружиначиликка ўн саккиз ёшга тўлмаганлар қабул қилинмайди.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АҲБОРОТИ

Шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида пиёдаларнинг кўча ҳаракати қоидаларини бузганликлари сабабли 145 йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Айбдорларнинг 31 нафари маст ҳолда бўлган.

Статистик таҳлиллар келтирган ана шу маълумотга ўзининг «ҳиссасини» қўшганлар орасида мебель фабрикасининг дурадгори Рўзимат Эргашев ҳам бор. У ишдан кейин кайф билан уйга қайтаётганда Куйбишев шоссесидаги бекатда турган автобуснинг олд томонидан кўчани кесиб ўтмоқчи бўлди. Шу пайт Миродил Мирзаев бошқариб келаётган ГАЗ— 69 маркали автомобиль уни уриб юборди. М. Мирзаев ана шу бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш учун ҳамма чораларни кўллаб кўрди, лекин кеч чиккан эди.

Р. Эргашев боши ёрилган ҳолда Тошкент Давлат медицина институти касалхонасига ётқизилди.

УЛЬЯНОВСКДАН ХАТ

МУҚАДДАС ШАҲАР

Апрель — баҳор фасли. Баҳор эса доимо инсониятга ҳаёт янгиликларини, табиат гўзалликларининг жонланишини, яратувчанлик илҳомларини олиб келади. 108 йил аввал баҳорда янги даҳо ва ғеннал революционер туғилди. Бу— бутун ер курраси пролетариатининг йўлбошчиси, тинчлик, озодлик, биродарлик ва тараққиёт жарчиси, доҳиймиз Владимир Ильич Ленин эди.

«Ҳар бир халқнинг, ҳар бир мамлакатнинг тарихий, улуғ воқеалари, атоқли халқ фарзандларининг интилишлари билан боғлиқ бўлган муқаддас жойлар бор. Совет кишилари учун шундай жой Ленин туғилган ер бўлиб қолди. «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ульяновскда Ленин меморалини очилиш маросимида айтган бу сўзлар инсониятнинг ўлмас даҳоси, ер курраси да биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленинни нинг оламга берган машъур шаҳарнинг ҳаёмиятини очиб беради.

Ульяновскнинг кенг кўчалари ва кўкаламзор боғлари, ўз тарзида қурилган эски ва янги биноларни унга тақрорланмас ғиёфа бахш этган. Ульяновск шаҳри Свияга дарёсининг улуғ Волгага қуйилиши жойида ўрнашган. У Волга бўйида қад кўтарган гўзал шаҳарлардан биридир. Агар биз унинг кўркам қиёфаси азим Волга қирғоқларидан бошланади, десак янглишмаган бўламиз.

Сиз бирон марта Волга қиятепалигидан туриб, унинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган гўзал қиёфасини томоша этганмисиз? Унинг эркин оқаётган улкан нурчина ҳис этганмисиз? Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Тож қиятепалигидан Волганинг яйраб оқишини ички ҳаяжон билан мушоҳида этмасдан, бефарқ ўтиб кетадиган кишини топиш қийин. Мовий Волга сиймосини, яқин ва узоқ соҳилларини соатлаб томоша қилиш мумкин. Волга ҳеч қачон бир хил тусда, бир хил рангда кўринмайди.

Ильич бу улуғ рус дарёсига ёшликдан меҳр қўйди. Волганинг улуғворлиги, ўша пайтдаги балиқчиларнинг, солчиларнинг, юкчиларнинг, бурланларнинг ойида ўрнашган. У Волга юракни эзувчи мунгли қўшиқлари Володя Ульяновнинг қалбида чуқур из қолдирди. Унинг ёшлиги ўтган бу дарё бўйи албатта, ўспирин Володянинг харантерини камол топишида катта роль ўйнаганлиги аниқ. Волганинг гўзал манзарасига мафтун бўлган машҳур қўшиқчи Джон Рид шундай деб хитоб этган эди: «...Айнан шундай қудратли дарё соҳилида Ленинниинг туғилиши муқаррар эди!..»

Ильич ватанига халқ муҳаббати Ульяновскдаги муқаддас Ленин жойларини кўришга интилишда яққол намоён бўлмоқда. Ҳозирда Ульяновск йирик саноат ва маданият маркази. У йилдан йилга гўзаллашиб, ёшариб бормоқда.

Доҳиймиз туғилган шаҳарда бунёд этилган маҳобатли ва ноёб Ленин мемориали унинг дурдоналаридан бири ҳисобланади. Унда ватанимиз архитектура ва инженер-қурилиш санъатининг муваффақиятлари ўз аксини топган.

Мемориал зонага фақат Марказий монументал бино, В. И. Ленин Музейи эмас, балки Педагогика институтининг корпуси, ўрта мактаб, 25 қаватли «Венец» меҳмонхонаси, болалар кутубхонаси, Пионер ва ўқувчилар саройи, Рассомлар уйи, савдо маркази, шунингдек қатор кўп қаватли иморатлар, парк ва майдонлар киради.

В. И. Ленин Марказий музейи... Бу ерда ҳамма вақт одамлар гавжум... Биринчи зал. Провинциал рус шаҳари — Симбирскнинг диограммаси. Музейдаги уч мингдан ошиқ экспонатлар: суратлар, ҳужжатлар, ҳайкалтарошлик ва рассомлик асарлари пролетариат йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида аниқ ва ишончли қилиб ҳикоя қилади.

Совғалар орасида китоблар, ҳотира медаллари, открыткалар, матога Ленин суратн туширилган рўмолчалар, болгариялик пионерлар тақдим этган галстук, турли хил буюмларни кўриш мумкин. «Минатдор туркман халқидан», деб ёзилган катта гилам бу ерга келувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу чиройли қилиб ишланган гиламга қозоқ элининг ёш ишчилари ҳадя этган «В. И. Ленин ва Қозоғистон», деб битилган бошқа гилам жўр бўлади. Тошкент области ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бошқа гиламлар ҳам кўзга ташланади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, атрофимдаги турли миллатга мансуб зиёратчиларга Шарқ услубида ёнғоқ дарахтига моҳирона ўйиб ишланган бу ноёб экспонатнинг тарихини қўшли Узбекистонда кенса-ю-ёш — ҳамма жуда яхши билишини, Қодиржон Ҳайдаров эса республикамизнинг энг машҳур ўймакор рассомларидан эканлигини гапириб бердим.

Қодиржон ота Ҳайдаров 79 ёшга кирганлигига қарамасдан ўзининг севимли касби билан ҳозир ҳам шуғулланмоқда. У билим ва тажрибасини ёш авлодга бериш устида натта ишларни амалга оширмоқда.

Утган йили Қодиржон ота КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлигини эшитиб, беҳад мамнун бўлди. Ота қалбидаги ҳис-ҳаяжонни яшира олмади. У Леонид Ильич Брежневга табрик хати йўллади ва Улуғ Ленинга 1923 йилда совға қилган, 1969 йилда эса, Ульяновскдаги В. И. Ленин музейига қайта ишлаган нақшинкор, санкиз қирралн курси ва учта курсичанинг кейинги нусхаларини янада гўзаллаштириб, ўзбек халқининг муҳаббати ва катта ҳурматининг белгиси сифатида Леонид Ильичга совға қилди.

Л. И. Брежнев минатдорчилик билдириб ёзган жавоб мактубида Қодиржон ота Ҳайдаровнинг республикамизда ўзбек миллий ўймакорлик санъатининг ривожлантиришдаги ролига юқори баҳо берди.

Асрлар ўтади, лекин кишиларнинг янги авлоди худди бугунги кундагидек Ленин ҳузурига келади. Ульяновскдаги В. И. Ленин музейига келувчи ҳар бир киши хоҳ у рязанлик ёки андижонлик деҳқонми, толъяттийлик автомобилсозми ёки тошкентлик тўқимачиси, африкалик студентми ёки Кубадан келган ишчими, ким бўлишидан қатъий назар — Ленин меҳнаткашларнинг бахт-саодатига бутун ҳаётини бағишлаганлигини қалбдан ҳис қилади. Шунинг учун ҳам Ленинниинг номи билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарсани совет кишилари нўз қора-чўғидек сақламоқдалар.

Ш. НБРОҲИМОВ.



31-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида кўплаб ёшлар халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган касбларни эгаллашяпти.

СУРАТДА: билим юрти ўқитувчиси В. М. Тетенькин махсус технология кабинетида навбатдаги машғулотни олиб бормоқда.

И. Якубов фотоси.

• *Китоб жавони*

«ДЗЕРЖИНСКИЙ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР»

Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Феликс Эдмундович Дзержинский ҳақида ҳикоя қилувчи бу китоб Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан (Х. Эргашев таржимасида, 1978 йил) босмадан чиқди. Юрий Германнинг бу китоби «Дзержинский ҳақида ҳикоялар» деб номланади.

Ун етти ёшидан бошлабоқ ўз ҳаётини меҳнаткаш халқ озодлиги йўлига бағишлаган Ф. Э. Дзержинский Вильнюс ва Каунас ишчилари ўртасида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Кейинчалик у жасур революционер, мамлакатимиз шимолий-ғарби ва Польшада ишчилар ҳаракатининг толмас курашчиларидан бирига айланди. Улуғ Октябрь революциясидан сўнг у ёш Совет ҳокимиятини ички контрреволюцион кучлардан сақлашда ғайрат ва матонат кўрсатди. Саноатни тез суръатлар билан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Мазкур китоб саҳифаларидан ўрин олган кичик-кичик ҳикояларда фидокор революционер, ишчилар синфининг атоқли раҳбарларидан бири бўлган Ф. Э. Дзержинскийнинг озодлик учун олиб борган кураши, давлат хавфсизлиги органлари фаолиятини ташкил этиш ва мустаҳкамлашдаги ишлари акс эттирилган.

«РАЗВЕДКАЧИ НИКОЛАЙ КУЗНЕЦОВ»

«...Мен ҳаётни севаман, мен ҳали ёшман, аммо ҳудди тўққан онамдай севадиган Ватаним учун, уни немис босқинчилардан озод қилиш йўлида жонимни фидо қилиш керак бўлса— мен уни фидо қиламан. Рус ватанпарвари ва большевик нимага қодир эканлигини бутун дунё билиб қўйсин!... «Разведкачи Николай Кузнецов жуда муҳим топшириқни бажариш учун борар экан, она— Ватанига ўз жонини фидо қилишга тўғри келишини тушунган, ўлими эҳтимолини назарда тутиб, жанговар дўстларига ана шу сўзларни ёзиб қолдирган эди.

Халқимиз разведкачи Николай Кузнецов тўғрисида бундан илгари босилган китоблардан ҳам кўп нарсаларни билишади. Лекин, қаҳрамоннинг синглиси Л. И. Брюханова, укаси В. И. Кузнецовлар томонидан ёзилиб (М. Худойкулов таржимасида, 1978 йил) Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти томонидан чоп этилган бу ҳужжатли қисса Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларининг орқа томонида, Ровно ва Львов шаҳарларида моҳирлик билан иш кўрган довюрак партизан, разведкачи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Николай Иванович Кузнецов ҳақида янги, қизиқарли маълумотлар беради.

Авторлар разведкачи яшаган ва тарбия топган шароитни батафсил тасвирлашган. Севикли Ватанимиз шонушарафини ва озодлигини сақлаб қолиш учун ўз жонини аямай, энг оғир шароитларда, доимо хавф-хатар остида қатъий ирода ва матонат билан иш кўрган разведкачи характеридаги янги хусусиятларни очиб беришган.

Қисса саҳифаларида жасур ва матонатли разведкачининг жонли ва ёркин қиёфаси намоён бўлади.

А. ХЎЖАЕВ,

Р. РАҲМАТЖОНОВ,

Тошкент олий партия мактабининг тингловчилари.

Ҳуқуқ тартиботи посбонлигида

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси органлари ва бўлинмалари раҳбар ходимларининг кенгайтирилган оператив кенгаши бўлиб ўтди.

Йиғилишда партия XXV съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қарорлари асосида шаҳардаги жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашнинг аҳволи тўғрисида Бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори И. Ғ. Сатторов доклад қилди.

Йиғилишда шунингдек, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари В. И. Селивестров, Тошкент шаҳар партия комитети маъмурий органлар бўлими мудири С. Б. Сафаев, шаҳар прокурори Ғ. Бухоров сўзга чиқишди.

М. МОТОРИГИН.

ТУПРОҚ КАРТАСИ

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва агрохимия институтида республиканинг янги тупроқ картасини тузиш борасидаги ишлар поёнига етказилди. Карта ер фондининг ҳозирги реал ҳолатини акс эттирибгина қолмай, унинг келажаги тўғрида ҳам фикр юритади.

Тадқиқотчилар картани тайёрлаш чоғида ўзлаштиришга яроқли ўн уч миллион гектар ер аниқлаб, бу ерларга муфассал сифат характеристикаси бердилар.

(ЎзТАГ).

Садриддин Айний туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан

АЙНИЙ АСАРЛАРИ НЕМИС ТИЛИДА

Совет Шарқининг аллома адиби — машҳур ёзувчи, оташин публицист, буюк инқилоб қўйчиси, моҳир тарихчи, шарқшунос олим Садриддин Айнийнинг умрбоқий асарлари ва айниқса унинг «Бухоро жалодлари», «Дохунда», «Қуллар», «Судхўрнинг ўлими», «Эсдаликлар» сингари ажойиб асарларини Иттифоқимиз халқларидан ташқари хорижий мамлакат китобхонлари ҳам севиб ўқиб келмоқдалар.

С. Айнийнинг «Одина», «Дохунда» каби йирик полотнолари тезда кенг жамоатчилик диққатини ўзига жалб этганини, ўқувчи, китобхонлар ҳурмат ва таҳсинига сазовор бўлганлигини ҳам бу асарлар СССР халқлари тиллари ва хорижий мамлакат халқлари тилларига таржима қилинганлигини Марказий «Правда» (1935— 26 ноябрь сонида) газетаси қўйидагиларни ёзган эди: «Садриддин Айнийнинг «Одина» қиссаси ва айниқса «Дохунда» романи зўр эътиборли ва аҳамиятлидир. Улар рус, украин, ўзбек тилларига ва қисман инглиз, немис ва француз тилларига ҳам таржима қилинди».

Дарҳақиқат устод С. Айнийнинг айрим асарлари 20-30 йиллардаёқ немис халқи қўлига етиб борган эди. Ёзувчининг 1922 йилда ўзбек тилида ёзган дидактик характердаги «Қиз бола ёки Ҳолида» номли асари Берлиннинг «Ковённй» нашриётида (1924 йилда) босилган эди.

Бугунги кунда немис китобхонлари қатор совет шарқи адибларимизнинг асарларини ўз она тилларида ўқимоқдалар. Тожик ва ўзбек совет шеърияти ва прозаси билан яқиндан танишиш, ГДРда бундан роса 25 йил аввал бошланган эди. Ўша пайтда Лейпциг шаҳридаги «Лист» нашриёти устоз С. Айний «Эсдаликлари»нинг биринчи ва иккинчи китобларини босмадан чиқарган эди.

С. Айний сиймоси немис китобхонларинигина эмас, тез орада немис адабиётшуносларининг диққатини ҳам ўзига жалб этди. Библиографик нашрлардан бири «Немис китоб савдоси биржасининг газетаси»да таниқдчи А. М. Ульман (1954 йилнинг 27 февралида) мазкур асарга тақриз эълон қилди. Мунақид ўз тақризида тожик совет адабиёти асосчиси, аллома санъаткор Є. Айний ижодига юксак баҳо берган эди.

Совет Социалистик Республикалари ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги адабий-маданий алоқалар йилдан-йилга ўсиб, ривожланиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир. Берлиндаги «Маданият ва тараққиёт» нашриётида ёзувчининг машҳур повести «Судхўрнинг ўлими» асарининг нашр этилиши 1966 йил муҳим воқеалардан бири бўлди. Асарни рус тилидан немисчага Трауте ва Гюнтер Штайнлар моҳирлик билан таржима қилишди.

Истеъдодли рассом Алексиус Улашевски томонидан асар қаҳрамони Қори Исмат — Қори Ишкамба образига чизилган расмлар, айниқса кишида катта таассурот қолдиради. Китоб тез орада кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қозонади, шу боисдан ҳам бўлса керак, ўша йилнинг ўзида мазкур асар яна қайтадан нашр эттирилади.

Адабиётшунос В. Беланнинг ёзишича, С. Айний асарлари немис халқи орасида катта обрўга эгадир. Китобда С. Айний портрети, таржимаи ҳоли ҳамда ГДРнинг таниқли шарқшунослари Манфред Лоренц ва Ньота Тунлар томонидан ёзилган хотима сўзи ҳам берилган. Унда адибнинг бой ижоди, унинг асарларини чет тилларга таржима қилинганлиги ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилинади.

«С. Айний адабий тип яратиш соҳасида ўзига хос мактаб қолдирди», — дейилади «Хотима»да.

Шарқшунослик ва ёнд журналларда ҳам тожик ва ўзбек совет адабиётининг ривожланиши жараёнлари ҳамда ўзбек ва тожик ёзувчиларининг серқирра ижоди ҳақида қатор илмий мақолалар ва рисолалар эълон қилинди. Шундай мақолалардан бири доктор Манфред Лоренцнинг С. Айний «Эсдаликлари»ни н г рус тилига қилинган таржимасига оид рисоласидир. М. Лоренц ўз рисоласида: «Асар рус тилига яхши ва тушунарли тилда таржима қилинган. Бу ана шу йирик, нодир асарнинг биринчи илмий нашридир» деб ёзса, Манфред Лоренц ўзининг қатор илмий мақолаларида, жумладан, «Садриддин Айний ҳозирги замон тожик миллий тилининг ривожланиш ҳақида» мақоласида шундай деб ёзади: «Тожик социалистик миллати бугунги кунда тараққий этган адабий тилга эга. Унинг шаклланишида С. Айнийнинг беқиёс хизматлари бор. Ҳозирги замон тожик тилининг тараққиёт босқичлари С. Айнийнинг баракали ижоди билан узвий боғлиқдир».

Маълумки, кейинги йилларда ГДРда уч томлик ва кўп томлик энциклопедиялар нашр эттирилди. Бу энциклопедия саҳифаларида Ўрта Осиё адабиётлари, хусусан тожик ва ўзбек совет адабиётлари тўғрисида қимматли материаллар берилади. Айниқса, бу энциклопедияларда жумладан С. Айний ҳақида маълумот берувчи материаллар муносиб ўрин эгаллаган. Шундай нашрлар қаторига 1971 йилда Лейпциг Библиографик институти томонидан чиқарилган 18 томлик «Майер янги лексикони»ни киритиш мумкин. Унинг биринчи томида С. Айний портрети ва у ҳақда катта материал эълон қилинган. Германия Демократик Республикасида нашр эттирилаётган энциклопедиялар, справочниклар немис адабий жамоатчилигини тожик совет адабиёти ҳамда унинг асосчиси С. Айний ижоди билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Энциклопедик адиб ижодиётини бутун немис халқи катта қизиқиш билан ўқимоқдалар.

Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати.

Футбол

Бой берилган имкониятлар

Агар ёдингизда бўлса, ўтган йили ҳам Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари СССР Кубоги мусобақаларининг дастлабки босқичида Тбилисининг «Динамо» командаси билан учрашган эдилар. Ўшанда пахтакорчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, турнирнинг навбатдаги босқичига йўлланма олишган эди. Қуръа тақозосини қарангки, бу йил ҳам «Пахтакор» ва Тбилисининг «Динамо» командаларига фахрли соврин учун мусобақаларнинг нимчорак финалида беллашишга тўғри келди..

Кубокнинг бу йилги мусобақалари системаси бўйича командалар барча босқичда ўзаро икки марта куч синашадилар. Грузия пойтахтида бўлиб ўтган биринчи ўйинда майдон эгалари ўзбек футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Шунинг учун «Пахтакор» футболчиларига мусобақаларнинг навбатдаги босқичига йўлланма олиш учун такрорий беллашувда 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишлари лозим эди.

Уз олдиларига ана шу вазифани қўйган пахтакорчилар учрашувнинг дастлабки минутларидаёқ «Динамо» дарвозасига кетма-кет ҳужум уюштирдилар. Бу ҳужумни аввалдан кутган грузин футболчилари пахтакорчиларни ўз майдонларида хотиржамлик билан қарши олиб, майдон эгалари бошлаган барча комбинацияларни дастлабки босқичдаёқ буза бошладилар. Эркин ҳаракат қилиш имкониятини бой берган тошкентликлар кўп ўйламай тўпни меҳмонларнинг жарима майдонига узатиб бера бошладилар. Аммо бу ҳам самарали натижа бермади. Баланд бўйли грузин футболчилари осонлик билан тўпни қайтаришарди. Буни кўрган тошкентлик ҳужумчилар якка ҳаракат қилишга, бир неча ўйинчини алдаб ўтиб, дарвозани нишонга олишга урина бошладилар. Жумладан, Макаровнинг тепган тўпи дарвоза ёнидан ўтиб кетди.

Ҳужумга берилиб кетган пахтакорчилар айрим пайтларда ҳимояга ўз вақтида қайтолмай қолишди. Бундан меҳмонлар усталик билан фойдаландилар. Ўйиннинг 24-минутида Мачаидзе қанот бўйлаб шиддат билан ўтиб, тўпни жарима майдонига етказиб берди. Тўпни қайтариш учун чиққан Чечетин хатога йўл қўйди. Натижада ёнгинасида турган ҳимоячининг қаршилик кўрсатмаётганидан фойдаланган Шенгелия тўпни аниқ «Пахтакор» дарвозасига йўллади— 0:1.

Ўйиннинг иккинчи ярмида тошкентликлар меҳмонлар дарвозасига кетма-кет ҳужумни давом эттирдилар. «Динамо» эса ўйин сурътини пасайтиришга ҳаракат қилар, аҳён-аҳёнда қарши ҳужум билан жавоб берар эди. Ўйиннинг охирларида пахтакорчилар ҳисобни тенглаштиришлари мумкин эди. Аммо Михаил Ан 11 метрли жарима тўпидан фойдаланаолмади. У тепган тўпни Габелия қайтаришга муваффақ бўлди.

Иккинчи ҳолда Макаровнинг тепган тўпи дарвоза ёнидан ўтиб кетди.

Шундай қилиб, «Пахтакор» командасини икки марта 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Тбилисининг «Динамо» командаси кубок ўйинларининг навбатдаги босқичига йўлланма олди. Чорак финалда улар Москванинг «Локомотив» командаси билан куч синашадилар.

Жаҳон оинаси

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

ГАВАНА. Кубанинг шимолий-шарқидаги кон-металлургия пойонининг тез суръатлар билан ривожланаётганлиги Совет-Куба қардошларча ҳамкорлигининг самарадорлигини кўрсатувчи яққол далилдир. Узининг битмас-туганмас никель-кобальт руналари билан машҳур бўлган бу район Совет Иттифоқининг ҳар тарафлама ёрдами туфайли мамлакатнинг энг муҳим саноат марказларидан бирига айланди.

Моа ва Никародаги ишлаб турган никель заводлари жадал суръатлар билан реконструкция қилинмоқда ва асбоб-ускуналари янгиланмоқда. Моа яқинидаги Пунта-Горда деган жойда жуда катта қурилиш майдони пайдо бўлди. Бу ерда СССРнинг ёрдами билан 30 минг тонна никель-кобальт концентрати ишлаб чиқарадиган янги комбинат қад кўтармоқда. СССРнинг ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг коллектив ҳамкорлигида яқин орада бу ерда тўртинчи ва шундан кейин бешинчи никель заводлари қурилади. Мана шу корхоналарнинг ҳаммаси ишга туширилганидан кейин улар йилига 130 минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

(ТАСС).

ТУРКИЯ АҲОЛИСИ

ИСТАМБУЛ. «Дунё» газетаси хабар беради: 1977 йилнинг охирига келиб туркия аҳолиси 42 миллион 135 минг кишидан иборат бўлди. Шу тариқа, ярим аср мобайнида мамлакат аҳолисининг сони уч баравардан зиёд кўпайди.

Туркия аҳолисининг 39 процентдан кўпроғи 12 ёшдан тортиб 25 ёшгача бўлган кишилардир.

Мамлакатда қишлоқ районларидан шаҳарларга кўчиб келаётган кишилар сони тез ортиб боряпти. 1950 йилда аҳолининг 18.5 процента шаҳарларда яшаган бўлса, 1975 йилда ўтказилган рўйхат натижалари шаҳар аҳолисининг сони 35.9 процент кўпайганлигини кўрсатди. (ТАСС).

УМУМИЙ ИСИШ

ЛОНДОН. Шу асрнинг охиригача Ер курраси да иқлим ўзгариши бундан аввалги 20 йилга нисбатан озгина бўлади, лекин цельсий ҳисоби билан 0,5 градус ялпи исиш бўлади. Иқлимшунослар группаси шундай хулосага келди.

Минерал ёқилғини ёқиш натижасида атмосферадаги карбонат ангидриднинг кўпайиб кетиши одамнинг иқлимга таъсир кўрсатишининг энг муҳим жиҳати бўлади, деб ёзади Англиянинг «Нью сайентист» журнали. Энергия истеъмолининг ҳозирги ўсиш суръатлари ўзгармаса 50 йил ичида атмосферадаги карбонат ангидрид миқдори икки баравар кўпаяди ва ер курраси да температура цельсий ҳисоби билан 1—3 градус кўтарилади, қутб районларида эса ўзгаришлар 3—4 баравар кўпроқ бўлиши мукин.

ХАВФЛИ ОҚИБАТЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Америкада чиқадиган «Медикал трибюн энд медикал ньюс» журналининг ёзишича, аёллар ҳомиладорлик чоғида доимо алкоголли ичимлик истеъмол қилиб юрса, 50 процент ҳолда ақли заиф болалар туғилади, 30 процент ҳолда эса қулоғи оғир, туғма юрак ўйноғи ва бошқа жисмоний қусурлар билан туғилади. (ТАСС).



Берлин-Бисдорфдаги кактусларни кўпайтириш билан шуғулланувчи «Ауфбау» богдорчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси Германия Демократик Республикасининг энг йирик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Бу кооперативнинг оранжереяларига кириб қолган кишиларни турли-туман шаклдаги кактусларнинг ниҳоятда кўплиги ҳайратда қолдиради.

АДН—ТАСС фотоси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

18 АПРЕЛЬ, 1978 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

24, 32, 33, 35, 39, 41, 44, 46, 48, 53 (537, 538-АТСлардан ташқари), 56, 62, 66, 76, 77, 78, 91, 96-АТС абонентлари

қуйидаги жадвалда кодлари кўрсатилган Совет Иттифоқининг шаҳарлари билан ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН

Шаҳарнинг номи	Код	Справка бюроси	Шаҳарнинг номи	Код	Справка бюроси
Одмаота	327	695122	(Ленинград)	81276	22233
Одмалиқ	2140	2222	Луга		
Ангрен	2130	2222	(Ленинград)	81272	22233
Андижон*	374	42222	Львов	032	798071
Арамас			Миллерово		
(Горький)	83147	31621	(Ростов)	863040	3509
Ашхобод	363	51534	Минск*	017	365363
Бекобод*	2170	2222	Михайловка*		
Белая Церковь			(Волгоград)	84463	22255
(Киев)	04463	51299	Москва	095	—
Богородск			Нальчик	866	22111
(Горький)	83170	31550	Наманган*	369	62222
Бухоро*	365	32222	Новосибирск*	383	—
Винница	043	22222	Новошахтинск		
Владимир	092	0200	(Ростов)	863049	2359
Волгоград*	8442	330301	Новочеркасск		
Вологда	817	21723	(Ростов)	86345	23209
Волго-Донск			Нукус	361	22222
(Ростов)	863048	2511	Орджоникидзе	867	38188
Володарка			Павлово		
(Киев)	04469	51332	(Горький)	83171	21209
Волхов			Павлодар		
(Ленинград)	81203	11133	(Қозоғистон)	318	52755
Всеволожск			Палласовка*		
(Ленинград)	812702	2233	(Волгоград)	84492	61791
Выборг			Переяслав-Хмельницкий		
(Ленинград)	812782	2502	(Киев)	04467	52332
Гатчина			Полесское (Киев)	04492	51179
(Ленинград)	812712	2233	Псков	811	22145
Горький	8312	337510	Ростов	863	56609
Грозный	871	21150	Сальск (Ростов)	86347	20080
Жамбул	326	30707	Самарканд*	366	32222
Жиззах	372	2222	Саратов*	845	25300
Дзержинск			Саранск	834	76880
(Горький)	83140	51124	Свердловск	343	542299
Днепропетровск	056	462290	Семенов		
Душанбе*	377	74569	(Горький)	83162	91221
Дубровка*			Семипалатинск	322	22121
(Волгоград)	84458	—	Сосновый Бор		
Ереван	885	422240	(Ленинград)	81269	61333
Ивано-Франковск	034	22222	Ставрополь	865	53490
Житомир	041	72222	Средняя Ахтуба*		
Иссиқ			(Волгоград)	84479	71144
(Олмаота)	327075	2183	Суворикино		
Калач*			(Волгоград)	84473	91546
(Волгоград)	84472	29521	Таганрог (Ростов)	86344	21414
Каменск			Талгар		
(Ростов)	863046	9085	(Олмаота)	327074	7501
Камышин			Толдиқўрғон	328	72121
(Волгоград)	84457	22941	Тбилиси	883	990203
Қапчағай			Термиз	376	2222
(Олмаота)	32772	21109	Тетиев (Киев)	04460	51528
Қарағанда	321	43636	Тўхтапа*	216	21222
Каскелен			Тосно (Ленин-		
(Олмаота)	32771	91963	град)	81261	11009
Қизил Ўрда	324	66908	Узунагоч		
Киев	0442	249595	(Олмаота)	327070	2898
		353382	Ульяновск	842	40920
		222222	Уральск	311	21068
Кингисепп			Урганч	362	2222
(Ленинград)	81275	—	Усть-Каменогорск	323	52222
Киров	833	24798	Фастов (Киев)	04465	51299
Кировоград	052	23480	Фарғона*	373	42222
Кишинев	042	20811	Фрунзе*	331	54254
Қўқон	360	2163	Харьков	057	222222
Кочетов	316	62121	Целиноград	317	22121
Краснодар	861	50333	Чебоксари	835	23374
Кстово			Челябинск	351	361631
(Горький)	83145	22463	Черкасск	047	72201
Куйбишев*	846	332583	Чернигов	046	32139
Ленинград	812	—	Черновци	037	22222
Ленинский			Чимкент	325	34645
(Волгоград)	84478	91694	Чирчиқ*	210	52222
Лодейное поле			Янгиёл	2150	2222
(Ленинград)	81264	22833			
Ломоносов					

*) ЭСЛАТМА: Шу йўналишлар бўйича бутун кун давомида автоматик телефон орқали фойдаланиш мумкин.

Тошкентдан бошқа шаҳарлар. даги абонентни чақириш учун АТС абонентлари «8» рақамини олишлари, сўнгра шаҳар нодини ва чақирилаётган абонент телефонининг етти рақамли номерини теришлари зарур.

АГАР ЧАҚИРИЛАЕТГАН АБОНЕНТНИНГ ТЕЛЕФОН НОМЕРИ ЕТТИ РАҚАМДАН КАМ БЎЛСА, ЕТТИ РАҚАМИГА ЕТАДИГАН ҚИЛИБ НОЛЛАР ТЕРИЛАДИ.

Волгоград, Горький, Киев ва Ленинград шаҳарлари ҳамда коддан кейин абонент телефон номери териладиган Олмаота, Волгоград, Горький, Киев, Ленинград, Ростов ва Тошкент областининг районлари бундан мустасноди.

44, 46, 62, 66, 96-АТС абонентлари чақирилаётган шаҳар абонента номерини терганларидан сўнг дарҳол ўз телефон номерларини теришлари зарур, 30-40 секунд вақт ўтгач уланиш рўй беради. Сиз «Абонент бандмас» деган сигналии (узун гудоклар) ёки «Абонент банд» деган сигналии (қисқа гудоклар) эшитасиз. Код ёки номер хато терилса, «Номер нотўғри терилди» деган механик товуш эшитилади. Бунда номерни қайта териш лозим. Рақамлар узлуксиз терилиши, икки рақам орасидаги вақт 4 секунддан ошмаслиги керак.

НОМЕР ТЕРИШДАН ОЛДИН УНИ ЁЗИБ ОЛИНГ!

Сўзлашиш вақти, телефонга чақираётган ва чақирилаётган абонентларнинг телефон номерлари орқали автоматик суратда қайд қилинади.

ИШ КУНЛАРИ МАҲАЛЛИЙ ВАҚТ БИЛАН СОАТ 18.00 ДАН 24.00 ГАЧА ВА 00 ДАН 07.00 ГАЧА ИМТИЁЗЛИ ТАРИФДА (одатдагидан 25 процент арзон нархда) **ГАПЛАШИШ МУМКИН.**

Андижон шаҳридаги абонент билан сўзлашиш учун олдин 37422, сўнгра бешта рақамли абонент номери терилади. Андижон шаҳридаги справка бюроси хизматининг телефони — 42222.

Боку шаҳри йўналишида алоқа каналлари сони нагрузкага номувофиқлиги учун алоқа сифатини ёмонлаштиради. Шунинг учун Боку шаҳри билан ҳозирги вақтда шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси йўқ.

Боку шаҳридаги абонент билан сўзлашиш учун «07»га абонент заказ бериши лозим.

Қарағандада телефон номерлари ўзгартирилди. Энди 1, 4, 7, 9 рақамлари билан бошланадиган бешта рақамли телефон номерларидан олдин «5» рақами терилади. Масалан: 1-24-73 энди 51-24-73 бўлди.

Киевда 357 билан бошланадиган телефон номерлари 34 билан бошланадиган қилинмоқда. Янги телефон номерлари ҳақида 22-22-22 ёки 35-23-82 номери бўйича справкалар олиш мумкин.

Автоматик телефон алоқасидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни 39-49-10, 33-58-10 телефон номерлари орқали олиш мумкин.

КРЕДИТГА ГАПЛАШГАНДА ҲИСОБ-КИТОБ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА 44-32-34 ва 44-37-74 ТЕЛЕФОНЛАРИ БЎЙИЧА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Квартирангиздаги телефонингиздан гаплашганингизда ҳақни счёт бўйича ҳоҳлаган кирим кассасига тўлашингиз мумкин.

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Бир ой давомида ҳақ тўланилмаса телефонингиз узиб қўйилади.

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТИК ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ ЁЗИЛГАН КИТОБЧАЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР, НАВОИЙ КЎЧАСИ, 26-УЙДАН ОЛИШ МУМКИН.

БУ ЭЪЛОННИ ҚИРҚИБОЛИБ ҚЎЙИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛИ

Баҳорнинг иссиқ кунлари келиши билан болалар ўзларининг бўш вақтларини доимо очиқ ҳавода ўтказишади. Уларнинг яйраб, ўйнаши учун енгил ва қулай пойафзал лозим. Айниқса, байрам кунларида болаларимизни чиройли туфлилар, хушбичим ботинкалар, сандалетлар билан ясанган ҳолда кўришни истаймиз.

Агарда сиз ҳар куни ва байрамларда кийиладиган баҳорги-ёзги мавсум учун мўлжалланган болаларнинг пойафзалларини сотиб олиш ниятида бўлсангиз

23-МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

БУ ЕРДА 18— 25 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг — Қўқон, Янгиёл, Чирчиқ, Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаларида тайёрланган

БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

СИЗ КЎРГАЗМАДАН ҚУИИДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ ТАНЛАШИНГИЗ МУМКИН:

Қиз болалар учун— чармли туфли, чиройли сандалетлар;
Ўғил болалар учун— барча размердаги полуботинкалар, сандалетлар, ботинкалар.

Харидорларнинг талабини ўрганиш, пойафзалларнинг сифатини яхшилаш ва уларнинг хилларини ранг-баранг қилиш мақсадида

25 АПРЕЛЬ СОАТ 15.00 ДА

ХАРИДОРЛАРНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Сизларни болалар пойафзалларининг савдо-кўргазмасига марҳамат қилишга ва конференцияда актив қатнашишга таклиф этамиз.



23-МАГАЗИН— Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 43-уйда жойлашган (18, 54-автобуслар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайларнинг «Киров номли боғ» бекати.)

«ТАШОБУВЬТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

1-МАЙ БАҲОР БАЙРАМИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДА.

Энг муносиб қутловлардан бири— бандероль, посилка, открытка ёки телеграммаларни ўз вақтида олишдир.

Почта жўнатмаларини байрам олди кунларига тиғиз қилиб қолдирманг.

Байрам телеграммалари имтиёзли тариф бўйича фақат 20 апрелда (бир кун)

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа шаҳар ва қишлоқларга юбориладиган қутлов телеграммаларини қабул қилиш, тақдим этиш муддати билан 23 апрелда, маҳаллий телеграммалар эса 28 апрелда тўхтатилади.

Почта жўнатмаларини олувчиларнинг адресатларида белгиланган пунктнинг номидан олдин олти рақамли почта индексини албатта ёзинг, белгиланган пунктнинг номидан кейин эса алоқа бўлимининг тартиб сонини ёзинг.

Жўнатувчининг адресида «Тошкент» сўзидан олдин олти рақамли почта индекси, «Тошкент» сўзидан кейин эса ҳарфли литер ва алоқа бўлимининг тартиб сонини ёзишни албатта унутманг.

Мактубни олувчининг олти рақамли почта индексини алоҳида ажратилган, сетка ичига —конвертнинг пастки чап бурчагига стиллашган рақамлар билан ёзинг.

Телеграммаларнинг адресларида фақат адресат ва жўнатувчига хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимининг тартиб сонини кўрсатинг.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

140-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ИИЛИ ЎЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ:—**кенг профилдаги ёғочсоз-станокчи** (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (3 йил), **фанерчи** (1 йил), **пардозловчи** (1 йил), **ёғочсозлик ускуналарини созловчи** (3 йил), **прессчи** (1 йил), **бадиий ва моделли мебеллар дурадгорларини** (3 йил) **тайёрлайди.**

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

140-ҳунар-техника билим юрти янги замонавий типда қурилган. Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги доим ишлаб туради. Янги типдаги спорт комплекси бор. Унда ҳар хил тўгараклар ишлайди (бокс, енгил атлетика, шахмат-шашка, футбол ва волейбол).

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Спутник» массиви, 4-квартал (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «Билим юрти» бекати).

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

(учинчи қаватда)



20—24 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БАҲОРГИ-ЁЗГИ МАВСУМГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КУЙЛАКЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ана шу корхонанинг маҳсулотлари республикамизда кенг шуҳрат қозонган. Унинг кийимлари харидорларнинг энг юксак эстетик талабларига жавоб бера оладиган сифатли ва чидамли газламалардан ўзга хос услубда жозибали қилиб тайёрланади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулотнинг тўртдан бир қисми Давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлган.

Кўргазмада хотин-қизларнинг ип-газламали ва синтетик газламалардан Европача ва миллий фасонда тикилган 25 дан ортиқ моделдаги кўйлаклари намойиш қилинади.

Кўргазмани ўтказиш давомида умумий ҳисобда 4 мингдан ортиқ буюм харидорларнинг диққатига ҳавола қилинади: сиз улардан албатта баҳорги-ёзги мавсумга ёки 1 Май байрамида кийишга манзур бўладиган кўйлаклардан бирини танлаб оласиз.

Кўргазманинг иш кунларида савдо залида бирлашманинг инженер-техник ходимлари ҳозир бўлишиб, улар сизларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб, ҳамда ўзларининг, зарур маслаҳатлари ва консультацияларини беришади.

Марказий универсал магазини соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

СИЗЛАРНИ ЦУМДА, ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎЙЛАКЛАРИНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИДА КУТАМИЗ!

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Князь Игорь,** 19/IV да **Травната,** 20/IV да **Оқ қуш ҳўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 18/IV да **Қалби олов,** 19/IV да **Рўйхатларда йўқ,** 20/IV да **Фарибилар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/IV да **Кўнгли ёш қарнялар,** 20, 21/IV да **Кулги кечаси.**

КИНО

18 АПРЕЛДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Иккинчи ҳаёт** (катта зал, кечқурун).

Яшашга нафолат бераман — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли (17, 19, 20.30).

Транссибирь экспресси — «НУКУС» (17, 19, 20.45), «МОСКВА» (10, 14, 18), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Мимино — «НУКУС», «МОСКВА» (20.00).

Бронза билагузук — «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

Севишганлар ҳақида романс — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Нафрат — «ИСКРА» (19.30).

19 АПРЕЛДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Иккинчи ҳаёт** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Транссибирь экспресси — «НУКУС» (17, 19, 20.45), «МОСКВА» (10, 14, 18), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яшашга нафолат бераман — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Мимино — «НУКУС» (11, 13, (15.00), «МОСКВА» (12, 16, 20.00).

Севишганлар ҳақида романс — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Яккама-якка — «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

Нафрат — «ИСКРА» (19.30).

Телевизор экранида

19 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «ВЛКСМ XVIII съезди олдидан». 10.30 «Кунлари узайган ой». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Адабий ўқиш». Вс. Иванов. «Т» литераси». СССР халқ артисти Б. Чирков ўқийди. 16.20 «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 «Мусиқали абонемент». Г. Свиридовнинг камер ижоди. 17.30 «Фан оламида».

18.00 «Горнчилар, қаердасиз?». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «1978 йил қўшиқлари». 19.15 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.00 «Кунлари узайган ой». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 3- серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Спортлото» тиражи. 22.10 «Мариэтта Шагинян». Телевизион фильм премьераси. 2-фильм. 23.00 РСФСР халқ артисти Л. Масленникова куйлайди. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Еш куч». Спорт программаси. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Ўнинчи беш йилликда совет халқининг зарбдор меҳнати». 18.45 «Зангори экран» почтаси. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Назм ва наво». Лутфий лирикаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 А. Навоий номли Наманган музикали драма театри артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Тўрақўрғонликлар ташаббуси асосида». Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун кўрсатув. 22.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Иван Грозний». Бадиий фильм. 1-серия (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Потап лақабли айиқ ва ўтинчи Василий». 19.20 «Ҳозирги замон буржуа эстетикаси ва санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Тошкент» телепрограммаси. 20.50 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартибларини таъминлаш» (рус.). 21.20 «Қизиқиш». Ҳужжатли фильм. 21.35 Абитуриентлар учун. Физика (рус.).

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

18 АПРЕЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, маъатаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 07574. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр — Д — 1288.